

СССР—УМУМИЙ УЙИМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАТАРЛАРИ: ЎТМИШДА ВА ҲОЗИРДА

Ўзбекистондаги юздан анд миллиятлардан бири — Россия татарлари ўзбек дёрида XVII-XIX асрларда пайдо бўла бошлаган эдилар. Уларнинг кўпчилиги Бухорода диний таълим олдилар. Туркистонда маърифат тарқатувчилар орасида татарларни ҳам қўллаб урғатиш мумкин эди. Тошкентда татар хотин-қизлар гимназияси бузган 100 йил аввал ташкил этилган. Татарлар инқилоб ҳаракатларида, Шўролар давлатини ҳимоя қилишда ҳамда социалистик қурилишларда фаол иштирок этдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 700 минг нафар татар (барча миллиятларнинг 10 фоизи) яшайди.

Татарларнинг Ўрта Осиёга кўчиб келишлари меҳнат турлари, қрим татарлари ва қорейслар фожиа тақдирини ўхшатади. Албатта, татарлар ҳам, бошқа миллиятлар ҳам ўз юртини бирин-бир сабаб билан ташлаб кетишган. Айниқса, 1920—1940 йиллардаги очарчилик, қашшоқлик турли миллат вакиллари сарсон-саргардонликка мажбур этди. Татарлар чор Россияси даврида миллий жиҳатдан камситилган, маънавий зарбага учратилганлар.

Эрли халқ татарчани таркимониси ҳам яхши тушунарди. Ўша йиллари ўзбек-татар оилалари таркиб топи, айрим татарлар ўзбек оилаларига сиғиб кетишди. Татарлар Ўрта Осиёга келиб, тўппа-тўпри «жанабатга тушган» йўқ мустақилла ўқиди эрли халқнинг ўзи оғир зулм остида эзилб ётарди. Татарларга эса қўшимча чеклашлар жорий этилган. 1906 йил, 23 февраль сонидида «Ахборот» газетаси Ўрта Осиёдаги Европа татарлари генерал-губернаторга дахлсиз мол-мулкка эга бўлишлари учун руҳсат беришини сўраб илтимос қилганликларини ҳамда рад жавобини олганликларини тўғрисида ёзган. Ҳатто буржуа газетасида бўлган адолатсизликни қоралди. Татарлар ана илтимос билан (1916 йили) Давлат думасига мурожаат қилдилар. Афсуски, бу сафар ҳам фойдаси бўлмади. Бундай адолатсизлик, камситишлар жонига теккан татарларнинг айрим қисми хатто миллий номилардан топиб, бошқа миллатлар бўйичага ўтиришга мажбур бўлишди.

Улуғ Октябрь инқилоби туфайли миллиятларнинг камситилишига чек қўйилди. Шўролар давлатини ҳимоя қилиш йўлидаги биргаликдаги кураш барча миллиятларни бир-бирларига яқинлаштирди, ленинча миллий сиёсат амалга оширилди. Масалан, Тошкентда бир неча татар мактаблари, ўқитувчилар институтини ташкил этилди, газета ва журналлар чиқарилди, драма театри ва ашула-рақс профессионал гуруҳлари коллективлари фаолият кўрсатди. Ўроқ, кейинчалик Сталин репрессияси туфайли бу хайрли ишлар тўхтатилди. Лениндан сўнги миллий тенгхуқлиқ барҳам топи. Фақат иттифокдош республикалар ўзаро тенг ҳуқуққа эга эдилар. Ана шу қонда автоном республикаларга ҳам жорий этилган. Давлат мақоми паст бўлса, ҳуқуқ ҳам шунчалик паст бўлади. Шунинг учун ҳам СССР депутатлари съезди, СССР Олий Совети сессиясида автоном республикаларга иттифокдош республикалар мақоми берилиши лозим, деган тақдирлар айтилгани бекиз эмас.

Татар жамоатчилиги бу тақдирга яқинлик билан қўшилиди. Чунки, Татаристон ва Бошқирдистон иттифокдош республикаларга айлантирилса, улар ўз юрдошларини эҳтиёжларини тўла қондириш ҳуқуқига эга бўладилар. «Правда» газети редакциясида ўтказилган давра суҳбатда Татаристон вакили шундай деди: «Бошқа республикаларда яшаётган татарлар кўпинча: «бизга адабиёт ва қўлланмалар юборинг, маънавий-маданий озиқланишимизга ёрдам беринг, деб мурожаат қилишди. Лекин афсуски, автоном республикаларда бундай имконият йўқ».

СССР Ёзувчилар Уюшмаси секретари, СССР халқ депутати Т. Минуллин «Литературная газета»даги мақолада «Биз... миллий тилимизни йўқотиш арасидада турибмиз. Мадоник, етти миллионлик татар халқи шундай аянчлик аҳволда турган экан, бошқа камсонли миллиятлар тили ҳақида гапирмасам ҳам бўлади», деб ёзган эди.

Ҳозир Ўзбекистондаги татарларнинг 90 фоизи татар адабий тилини билмайдилар. Айниқса, ёшларнинг бу тилга эътиборсизлиги кишини ташвишлантиради.

Татар тили ўзатилиб кетаётган сабаблардан бири миллий тилда мактаб ҳамда синфларнинг йўқлигидир. Тошкентда 150 минг татар яшайди. Лекин бирорта ҳам татар мактаби йўқ. Ўзбекистонда СССР Олий Совети Президиумининг (1989 йил, апрель) қароридида таъкидланганидек, республика халқ таълими министри тил миллий тилларни ўқитиш, хусусан татар, қорей, уйғур, турк тилларини ўқитиш масалаларини лозим даражада ҳал этмапти.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, баъзи ота-оналар ўз ўғилларини она тилларида ўқитишга қарши чирмоқдалар. Ўйин рус тилида ўқишмасам олий ўқув юртиларига киришлари қийинлашармиш. Лекин, матбуот, телевидение, радио ва кинода рус тилининг кўп қўлланилатганили миллиятларга алоҳида тилини бемалол ўрганиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, республика Олий Совети Президиумининг ўша қароридида Ўзбекистон олий ўқув юртиларида қорей, тожик, қирғиз тили ва адабиёти фани бўйича кириш имтиҳонларини ана шу тилларнинг ўзиди қабул қилиш таъкидланган. Ҳозирги кунда миллий мактаблар ҳамда синфларда ўқиш учун ўқувчилар тўпламоқда. Қозон шаҳрига бир гуруҳа ўқитувчилар малака ошириш учун юборилди. Улар Ўзбекистондаги мактаб ва синфларда татар тили-адабиёти фанидан дарс берадилар. Лекин кейинчалик татар тилида бошқа фанлардан дарс беришга эҳтиёж очиб боради. Менимча, бу муаммонини Татаристон ва Бошқирдистондаги мустақилликнинг таъкид этиш. Ўзбекистондан татар интиқ-қизларини малака оширишга юбориш йўли билан ҳал этиш бўлади. Энг муҳими — мустақилликнинг шу ерининг ўзиди таъйирлаш лозим.

Татар мактаблари ва классларини ўқув-методик қўлланмалари билан таъминлаш вазифасини Қозон босмахоналари ўпашли қийин. Негаки Татаристондан ташқаридаги республикаларда, Сибирь ва Москвада татарлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам артамининдинми Тошкентдаги мустақилликнинг таъкид этиш. Ўзбекистондан татар интиқ-қизларини малака оширишга юбориш йўли билан ҳал этиш бўлади. Энг муҳими — мустақилликнинг шу ерининг ўзиди таъйирлаш лозим.

Миргази МАЛИКОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.



ТОШКЕНТ. Пойтахтнинг энг гўзал майдонларидан бирида СССР халқлари дўстлиги монументи қад ростлаган. Унда Улуғ Ватан уруши йилларида етим қолган ўн беш нафар турли миллат болаларини ўз тарбиясига олган темирчи Шоҳаммад ота, Шомаммадов ва Бахри ая

Ақромовларнинг нуроний сиймолари ўз ифодасини топади. Суратчи Р. ШАГАЕВ (ЎЗТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокамада

ТИЛ—МИЛЛАТНИНГ ҚАЛБИ

«Тил — миллатнинг қалби. Тил гоё, туйғу, тафаккурнинг жонли муҳассами».— деган эли рус совет ёзувчиси Алексей Николаевич Толстой. У нақадар ҳақлигини эса бугунги кунда даврнинг ўзи ана бир бор қўрсатиб турибди. Асрлар давомида тақомиллаштирилган халқнинг тарихи, урф-одати, санъати, адабиёти авлоддан-авлодга етказилишда тилнинг ўрни беқадар. Шундай бўлган ҳар бир миллат хоҳ у катта ёки кичик бўлсин тилсиз ўзининг фикр-туйғуларини келажак авлодларга етказолмайди. Карл Маркс ва Фридрих Энгельсларнинг таъбири билан айтганда «Тил ҳам оғ синари қадимий».

Ҳар бир кишининг на фақат маданий даражаси, балки граждонлик қадр-қиммати ҳам унинг ўз оила тилисига бўлган муносабатидан билиш мумкин. Кейинги йилларда идора ва ташкилотларда ишловчи айрим маҳаллий миллат вакиллари ўз оила тилларини қийинчилик билан билганлиги, ўз миллати тилисига қараб ўзларини «замонавий» деб ҳисобладилар. Вақоланки, замонавийлик энг аввало ўз оила тилисини пухта билиш, кейин эса бошқа тилларини ҳам ўрганиш билан ўзгаради. Эрли халқ орасида бир

неча тилларни ўрганганлар оз эмас. Лекин шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан рус ва бошқа хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш йўқолади, деб ўйлаш мутлақо ўринсиздир. Ҳозирги кунда республикамадони қатор хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар, илмий-тежирчиш институтлари хориждаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилдилар. Бунда албатта, рус ва бошқа хорижий тилларни билиш талаб этилади. Қўрилиш турбиди, киши хоҳласа-хоҳламаса она тилисидан бошқа тилларини ҳам ўрганиш керак.

«Ўзбекистон» ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси билан танишар эканмиз, юқоридидаги фикрлар ҳаёлимиздан кечди. Лойиҳада эса булар ҳақида бирор бир гап айтилмаган. Яна шунинг ҳам таъкидлаш керакки, лойиҳа умумхалқ муҳокама-сига тақдирланган бўён анча вақт ўтди. Бу орада деярли ҳар кун матбуотда, телевидение ва радио орқали муҳокамага оид турли хил муносабатлар тақдир ва эътирозлар билдирилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида лойиҳа муҳокама-сига йиғилиш олиб бораётган ишчи гуруҳи ҳам тақдир-сиз

тақдир билан хатлар оқими кун сайин кўпаймоқда. Ана шу хат-хабарларда кўпчилик озики кутган бўёт муҳим ҳужжат талабга тўлиқ жавоб бермаслиги таъкидланган. Муҳокамада ҳар ким ўз фикрини айтиши мумкин. Лекин афсуски, рус тилида чиқадиган айрим газеталарда бир гуруҳ газетхонларнинг ўзбек тилига давлат мақомини беришга қарши чиқаётганликларини бизни таажублантирмоқда. Ахир ўзбек тилига давлат мақоми бошқа бирорта иттифокдош республикада берилаётгани йўқми? Наҳотки, бу ўртоқлар Ўзбекистон ССР Конституциясининг 68-моддасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси — суверен Совет социалистик давлати» эканлигини беҳабар бўлишми?

Агар кўп миллатли иттифокимиз таркибиди ҳар бир республика суверен давлат бўлса унда нима учун фақат Ўзбекистондагина рус тилига ҳам давлат мақоми бериш керак? Ахир республика аҳолиси орасида ўзбеклар 70 фоизни, туркий халқлар, яъни қозоқлар, турклар, туркман, қирғиз ва бошқалар 15 фоизни, руслар ва рус тилида гапашадиган халқлар эса 15 фоизни ташкил этадилар. Туркий халқ-

А. АЛИМОВ, Тошкент олий партия мактаби тингловчиси.

САЙЛ КЎНГИЛЛИ ЎТДИ

Илгари хабар қилганимиздек, шанба кун пойтахтдаги Тельман номи маданият ва истироҳат боғида уйғур миллий таомлари сайли ўтказилди. Ўзбекистонда республика уйғур маданияти жамиятининг таъсис этиш ташкилий комитети Тошкент шаҳар иқроия комитети маданият бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган бу тадбир сўнгги пайтларда пойтахтда тез-тез уюштирилаётган ва ўзига хос ан-

олаётган миллий маданиятлар байрамларидан бири сифатида ҳам шаҳар меҳнатқилари томонидан илк кутуб олинди. Мазкур сайл ташаббускорлари нафақат уйғур миллий таомлари, балки қадимий тарихига эга бўлган уйғур халқининг ўзига хос асрий айналарини, урф-одатларини ҳам чуқурроқ очиб беришга сайл қатнашчиларини миллий маданият билан яқинроқ таништи-

МЕНИНГ ФИКРИМЧА...

ШУ КҮНЛАРДА республикадаги «Партиянинг ҳозирги шарафиди» миллий сиёсати» тўғрисидаги КПСС платформаси ҳамда Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Ушбу ҳужжатларнинг умумхалқ муҳокама-сига қўйилиши бугунги қайта қуриш ва демократия шарофатидир. Шу муносабат билан қатор фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчиман. КПСС платформаси лойиҳасини коммунист сифатида тўла-тўқис маъқуллашман. Жумладан, унда «КПСС миллий маданиятларнинг ўзига хослиги, уларнинг ноб қадриятларини эътироф этишга асосланади» дейилади. Партиянинг миллий масалаларга бағишланган пленуми олдидан ушбу ҳужжатнинг Матбуотда эълон қилиниши, аминанки, мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг тўғри ҳал этилишига асос солади. Энди ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги кўпчилиқнинг фикрига мен ҳам қўшилман. Фақат бир нарсига ҳайронман: рес-

публикаимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи тўб миллатнинг ўз оила тилисига давлат тили мақоми бериш нега энди муҳокамага қўйилиши керак? Ахир ҳар бир республикада эрли халқнинг тили давлат тили бўлиши табиий бир ҳол эмасми? Шу боисдан КПСС платформаси лойиҳасида ҳам СССР халқлари тиллари ривожланишига алоҳида эътибор берилганлиги бекиз эмас. Ундаги «Иттифокдош ёки автоном республика миллатларининг давлат тили деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги масала шу республикалар ич-тиёрида» дейилиши Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокама-сига давом этаётган бир пайтда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига қаролат беради, деган умидман.

Шу пайтгача миллатлараро мулоқот воситаси бўлиб келган рус тилининг мақоми ҳаммаимизга маълум. Шундай экан, ўзбек тили билан бир қаторда рус тилига ҳам давлат тили мақоми бериш зарурлигини таъкидлаш керак. Ўзбек тилининг тарихи, фан, адабиёт асарлари эси ўзбек имло-сига битилган. Ҳозирги авлод эса уларни асли нусхасида ўқиш имкониятидан бутунлай маҳрум. Ўз тарихида икки марта имлосини ўзгартирган халқимизга «ўз тилини қайтариб бериш пайти келган экан, барча машаққатларга мардларча елка тутиб берайлик».

Хуллас, гапирадиган гапларнинг адоғи йўқ. Мен эса ўз фикрларимни журналист В. Архангельскийнинг «Налбим нидоси» мақоласидан олинган қуйидаги сўзлар билан низоламоқчиман: «Қаерда яшаётган бўлсан, ўша халқнинг тилини ўрганишинг керак. Зеро, ўз тилингдан бошқа тилларни билиш, имкон бўлса хорижий тилларни ҳам билиш азалдан киши маданиятининг мезони бўлиб келган-ку, ахир!».

А. ЕҲУБҲУЖАЕВ, СССР Кинематографчилар уюшмасининг аъзоси.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

(Боши 1-бетда). М. С. Горбачев партия турмушини янада демократиялаш, ошқорлаш, партиявий раҳбарлик усуллари тақомиллаштириш масалаларига катта эътибор берди. Фақат партия сафлари бирлашган, жамиятдаги барча соғлом кучлар

лизм гоёси партия бирлигини учун ҳалокатлидир. Шу билан бир вақтда иттифокдош республикалар Компартияларига партия ички турмушини доир муҳим масалаларни ҳал қилишда кўпроқ мустақиллик бериш зарурлиги шубҳа тўғдирмайдилар. Миллий ривожланишнинг реал муаммоларини ҳал этишнинг реал эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олувчи ҳақиқат фактавий социалистик давлат сифатида СССРни мустақамлаш ва унда КПССнинг жинслаштирувчи ролини мустақамлашга доир принципал масалалар юзасидан аниқ позиция баён қилинган коллектив

ларининг орзу-умидлари ва ташвишларига мос келадиган ишларда республикаларнинг раҳбарлари бундан бўён ҳам КПССнинг мадади ва ишончига таянишлари мумкинлигини таъкидлади. Ушбу пайтда КПСС Марказий Комитети Сибир буюрси аъзолига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский иштирок этадилар. (ТАСС).

ВЕКОВОД ШАҲРИДА

«ҒУНЧА»
РАКСГА
ТУШАДИ

Муҳаммадов номидаги металлургия маданият саройи ҳозирда «Ғунча» бошқаруви рақс ансамбли ташкил этилганга кўн вақт бўлгани йў. Лекин бу коллектив қисқа даврда ўз репертуаридаги шўх ва қувноқ рақслар билан кўпчилик кўнгилни ҳушнуд этиб, танилиб бормоқда.

Ансамблга таърифи мустахассис Мавлуда Эралиева раҳбарлиги қилиб келмоқда. Ҳаваскорлик ансамбли 9, 11, 16-ўрта мактабларнинг 30 га яқин санъатга ихлос қўйган ўқувчилари билан ташкирланган. Ансамбль репертуарида ўзбек, тоjik, афгон ва бошқа кўп-қўп халқларнинг рақслари бор.

«Ғунча»нинг Шаҳноза Холиқова, Манзура Ерматова, Санобар Раҳмонова, Наргиза Юсупова, Дилрабо Юсупова каби ҳаваскорлари ўз рақслари билан муҳлис-ларини мамнун этмоқда. Коллективнинг муваффақиятлари фаолит кўрсатишда металлургия маданият саройи раҳбарлари, музика раҳбарлари Акбарали Зарматов, донрач Дехқонбой Тошматовларнинг хизматлари каттадир.

ХУЖАЛИК
ҲИСОБИДА
ИШЛАБ

Ҳозирги пайтда кўпгина корхоналар хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқдалар.

Бекободдаги 16-автокорхонада ҳам бу борада бирмунча ибратли ишлар қилинапти. Республикада таниқли автотранспорт ҳайдовчиси, Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени эгаси, 1988 йили «Ҳуш» билан «Автомобиль» бўшқили қилганда ҳам маъна шу усулда меҳнат қилган, муваффақиятларга эришмоқда. Бригада ўтган йил мобайнида 2 миллион 400 минг тонна юк ташиган бўлса, бу йил шу кўрсаткич-ни 100 минг тоннага кўпайтириб, яқин йил миллион тонна юк ташиган режа-лаштирилган. Бригада ҳайдов-чиларидан Нисея Сулаймонов, Жаббор Мадумаров, Музаффар Отабалиев, Кур-бон Юсупов план-топириқ-ларини 110—115 процентга бажармоқдалар.

А. БОБОНАЗАРОВ.

• Ҳамза мукофотиға номзодлар

МУНОСИБЛИК

Зисси тасаввур қилиб бўлмай-ди деб айтадилар. Шундай фикр филологиянинг илмининг ота-оналаридан Матқуб Қўшқоновда ҳам, шеършунос олим Нурдин Шукровда ҳам илгари сўрилган.

Мен Иброҳим Ғафуров китоблари, радио ва телевидение орқали фаол кишиларни кўзатиб, тинглаб, ўқиб қувониб юрар эдим. Мана, бу-гунга келиб унинг «Ўттиз йил-нинг изҳори» китоби Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотиға тавсия этилганли-гидан қувончига қувонч қў-шимда.

«Ўттиз йилнинг изҳори»да муаллифнинг янги асарлари,

рисуллари, адабий ўйлари, бадикчалари жамланган. 1973 йилда И. Ғафуровнинг «Енар сўз» номи китоби чиққан. Китоб ўша йилларда кўп бах-сарларга сабаб бўлган эди. Унда-ги бир сўз ҳамон ёдиди: «Сўзларда нисон тафаккурининг алагаси бўлади». Бундай кутилмаган фикрчан сўзлар негидир эсимда муҳридан қолган. Муаллиф ўз асарлари-да сўзлардаги ва жасорат қи-либ айтганини, фақат сўзлар-дагина эмас, нисон қалбиди-да тафаккур алагаларини намо-и қилиш йўлидан боради. У-сўзин ва айниқса, бадий сў-зи олов деб билади. Шунинг

учун ҳам китобларнинг номи-лари бежиз эмас: «Енар сўз», «Орак — алагаси», «Лирани-нинг юраги», «Ўттиз йилнинг изҳори» китоби кўтарган маса-лаларнинг қамрови жуда кенг. Бу китобларнинг ўқиганда ада-биётимизнинг тирки ва гоят мураккаб жараёналари киши кўз ўнгидан бирма-бир ўтади. Муаллиф бу тирки жараён-ларни таҳлил қилишни севди, ўз севгисини китобхонига ҳам ютилади. Ўттиз йилнинг «навижд» деган сўз мақола-ларга кириб келган эди. Ори-гинал фикр, оригинал йўлда ёзилган асарини чамаси шун-дай — навижд асар дейи-шарди. Бу сўз И. Ғафуров

асарларига нисбатан мос кели-шини ҳазирда ўйлаб қол-дим. Унинг рисулларида ин-ги фикрлар ўқиб-тошиб ёта-ди. Уларга салмоқ ва ҳара-катчанлик хос. И. Ғафуров ў-тага ташлаган кўп фикрлар адабиётда ва айниқса, ёшлар китобида ҳаракат қилмаёт-гани Ҳа, унинг фикри — ҳа-ракатдаги фикр! Ҳаракатдаги фикр бўлганлиги учун ҳам у-зи таъкидлаганидек, нисон туйғулари тарбиялашга хиз-мат қилади. Хуллас, мен ИБ-роҳим Ғафуровнинг «Ўттиз йилнинг изҳори» асари Ҳамза мукофотиға лойиқ эканлигини таъкидламоқчиман.

О. ЭШОНОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган фан арба-би, ҳуқуқшунослик фанлар доктори, профессор.

СПОРТ

ФУТБОЛ

● МАМЛАКАТ чемпионати-нинг навбатдаги 33-турида Тошкентнинг «Пехтакор» кол-лективи Запорожьеда маҳал-лий «Металлург» клуби билан учрашиб, 0:1 ҳисобида мағлу-батга учради. Қолган ўйин-ларда куйидаги натижалар кайд қилинди: «Торпедо» — «Геолог» 2:0, «Котайк» — «Шинник» — 1:0, «Аск» — «Кайрат» — 1:1, «Спартак» — «Ди-намо» БТ — 1:0, «Нефчи» — «Кубань» — 5:0, «Даугава» — «Факел» — 1:2, АСК «Карна-ти» — «Ростсельмаш» 0:0, «Истру» — «Гурья» — 1:1, «Таврия» — «Динамо» Ст — 3:0.

34 тур ўйинлари эртага бў-лади. Унда пехтакорлар Ростов-Доннинг АСК клуби меҳмони бўладилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

● ЯПОНИЯ пойтахтининг Олимпиада стадионидида енгил ат-летика юлдузларининг мусо-бақалари ўтказилди. Унда 24 йилли тошкентлик Родион Га-таулин лангар чўп билан сак-рашда биринчи бор очик май-донда «гроссмейстерлик» ба-ландлиги — олти метрни забт этиб, мусобақа ғолиби бўлди.

● ҚУРОЛЛИ кучлари че-мпонати Брянск шаҳрида ўтқа-зилди. Унда тошкентлик И. Матросова 2 минг метрга тў-сиқлар оша югуришда 6.29.80. натижа кўрсатиб чемпионлик унвонига сазовор бўлди.

● КЛАССИК КУРАШ

● ТАРТУДА ўтказилган мусо-бақаларда 200 дан зиёд спортчи иштирок этди. Рес-публикамиз полвонларидан Бобир Мавлонов олтин, Жамол Бозоров ва Камол Муродов-лар кумуш медалга сазовор бўлишди.

ҚЎША
ҚАРИНГЛАР

Бундан йн йил аввал Чиноз район газетасида Рауф Аҳме-дов ҳақида мақола босилганда чинозликлар бинада шундай ма-тонетли расом яшаётган экан, деб ажабланишган эди. Бугун-ги кунда Рауфнинг номини республикамиздагина эмас, балки мамлакатимизда яшас-тишади.

3 ёшда яқинлиб умрбод мажруҳ бўлиб қолган Рауф тақдир зарбасига бўй бермай ол-лий маълумот олди, ўз мақ-садига эришди. У 9 ёшда «Мурзилка»нинг мукофотиға сазовор бўлган эди. Ҳозир эса расом сазовор бўлган муко-фотларини санаб чиқиш қийин. У «Мўшум» журнаки саҳифа-ларда ўз қарикатуралари бил-ан мунтазам равишда ишти-рок этиб келмоқда.

Рауф ҳақида ёзилган мақо-лалар республикамиздаги бар-ча кишиларни ҳаяжонлантир-ди. Гулистонлик Мўножотхон Қўрбонова ҳам матонатли рас-сом билан хат ёзишди, унинг жасоратига қўйил қолганли-гини изҳор этган эди. Қарангки, бугунги кунга келиб Мўножот-хон ўз тақдирини Рауф Аҳме-

дов тақдирини боғлади. Яқинда Мўножотхон билан Рауфларнинг тантанали никоҳ-тўйи бўлиб ўтди. Тўйга таш-риф буюрган меҳмонларнинг ҳаммаси Мўножотхоннинг и-сонпарварлиги ҳақида жасора-тига қўйил қолганлиқларини айтишди.

О. МАЪМУРОВ.

Суратда: Рауф ва Мўно-жотхонларнинг никоҳ кеча-сида. Суратчи: Р. ГАЛИЕВ.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Еш болали она-ларга берилмаган отпуск мўддатини узайтириш тўғриси-да»ги қарорини ишлаган оналарнинг, болаларнинг, бутун оиланинг иқтимоий жиҳатдан муҳофазасига қаролат беради. ТАСС мухбири Т. Иванованинг саволларига ВЦСПС секретари Г. Ф. СУХОУЧЕНКОВА жавоб беради:

— Галина Федоровна, ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

Бу жуда муҳим социал тадбир бўлиб, у она ва бола-нинг сийат-саломатлигига, ои-ладини руҳий вазиет, маъна-вий муҳитга яқин таъсир эти-шига ишончим комил. Бу қар-ор фақат аёлларгагина дав-дор эмас, чунки болаларнинг савоматлиги ва уларнинг тар-бияси ҳақида бутун жамияти-миз гамиўрлик қилиши лозим. Маъжозий маънода айтганимиз-да бу қарор келажатинизга хизмат қилади. ВЦСПС, ҳуку-мат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларига узулсиз кели-либ турган хатлар бу муаммо-га совет кишиларни қанчалик манфаатдорлик билан қараша-ётганидан далолат бермоқда. Еш болали оналарнинг отпуск-касини узайтириш ва шу отпуск-кага қисман ҳақ тўлаш мазсу-си жуда юқори идораларда кўтирилди, ўн иккинчи беш йиллик планини тузишда ҳи-соба олинди, сэйловчилар СССР халқ депутатлари шу ҳақида нақазлар беришди. Бу ҳақида КПСС XXVII съезди, ке-саба союзуларнинг XVIII съез-ди, СССР халқ депутатлари съезди минбарларидан гапи-рилди. ВЦСПС мазкур қарор мақбул муддатларда амал қи-ла болашши учун кўн куч-ай-рат сарфлади.

— Янги қарорнинг маҳияти нимада?

— Ишлайдиган оналарга бир ярим ёшгача бўлган болали боққиш учун қисман ҳақ тўла-надиган отпуск мамлакатда босқичма-босқич жорий этила-ди. Шу йилнинг 1 декабридан бошлаб ушбу қарор Екутистон АССР, Приморье ва Хабаровск ўйлавларида, Амур, Камчатка, Магадан ва Сахалин областла-рида, Бурятия ва Тува АССРда, Ойлот ва Красноярск ўйлавлари-да, Кемерово, Новосибирск, Омск, Томск, Тюмен, Иркутск ва Чита областларида, Карелия АССР ва Коми АССРда, Ар-хангелск, Мурманск, Вологда, Новгород ва Псков областла-рида амал қила бошлайди. 1990 йилнинг 1 июлидан бош-лаб РСФСРнинг бошқа район-

ларида, Украина, Белоруссия, Молдавияда, Болтиқ бўйи рес-публикаларида жорий этилади. 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб Қозғоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказьеда амал қила бошлайди. Нафақа миқдори илгариндек: Узоқ Шерда, Сибирь ва Шимолги район-ларда 30 сўм, бошқа регион-ларда 35 сўмдир.

Қарор босқичма-босқич жорий этилишининг босис нимада?

Бутун жамият
манфаатларини
кўзлаб

— Ҳозир «қонуннинг қийма-ти» деган тушунча пайдо бўл-ди. Шундай қилиб, ҳозирча хомаки бўлган ҳисоб китоб-ларга қараганда, янги қарор ҳар йили бир миллиард сўмга тушади. Бундан ташқари, биз-га маълумки, бир вақтингик ўн-да кекаларнинг энг кат миқ-дордаги пенсиясини, майиб болаларнинг нафақаларини ошириш тўғрисидаги қарор ҳам амал қила бошлайди, бу-нинг учун йилга етти милли-ард сўм талаб қилинади. Лекин шунга қарамастан, қарор-ни амалга ошириш муддатла-ри бола бир ёшга киргунча боққиш учун 1981 йилги қарор-да белгиланган нафақа бос-қичма-босқич жорий этиш муддатига нисбатан қисқароқ-ди. Маълумки, 1981 йилги қар-орнинг амал қилиш муддати ўн йилга кўзилиб кетган эди. Даставвал, бу галги қарорини бажаришни 1992 йилдагина якунилаш планлаштирилган эди. Биз ана шу муддатни қисқар-тириш учун қўлимиздан кел-ган ҳамма ишни қилдик.

Бу галги қарорини 1981 йил-ги ҳужжат билан тақослаган-да куйидаги фикр-мулоҳазалар

ҳам пайдо бўлади. Уша қарор жорий этилганда социолог-лар туғилиш анча кўпайгани-гини кайд этдилар, лекин ту-ғилиш 1983 йилга келиб ўс-май қолди. Шу таҳдидда демо-графиянинг ўзи ҳам бугунги тадбирларнинг жуда зарурли-гини кўрсатиб турибди. Мен ана бир масала ҳусусида айтиб ўт-моқчим эдим. ВЦСПС корхона ва ташкилотларнинг ўз ходима-лари қўшимча отпусккасига мустақил ҳақ тўлашга қодир бўлиб, моддий рағбатланти-риш (меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона фонди) фонди эвазига шу тадбирни кўриш тўғриси-даги ташаббусини ҳар жиҳат-дан қўллаб-қувватлайди. Бу та-

ғиди орттирилган малакамиз-дан ажраб қолмоқдаки, иш-чи коллектив билан алоқалар-имиз узилиб қолмоқда, деб афсусланиб ёзишмиди. Буни ҳам назарда тутганлигимизни айтиб ўтмоқчиман, чунки от-пуска аёлининг истаги билан берилади. Бундан ташқари, бо-лали парвартилаш учун қис-ман ҳақ тўланадиган отпускка вақтида аёлларга ўз иш ўри-ларида, уйда ёки тўла иш ку-ни аҳуд тўла иш ҳафта-сида банд бўлмай бошқа бирор ер-да ўзларига мос графтик ер-сида ишлаш ҳуқуқи берилади, айчи вақтда уларга нафақа ҳам тўланаверади.

— Маълумки, касабга союз-ларни ёш болали оналарнинг иқтимоий жиҳатдан муҳофа-за қилинишини оширишнинг та-шаббускорларидан бири сифа-тида болали оналарга давлат ёрдамини кучайтириш юзаси-дан тадбирларнинг батафсил программасини ишлаб чиқиш-ган. Шу ҳақида гапириб бер-сангиз.

— Ҳозир аниқгина тақилф-ларимиз ўрганиб чиқилмоқда. Бу тақилфлар, жумладан, кў-зи ёришдан илгариги отпуск-кани 56 календарь кунидан 70 календарь кунга узайтириш, ҳомиладорлик ва туғиш отпуск-каларини бир аракайига кў-зиб беришга (яъни кўзи ёри-гунча бериладиган отпусккадан тўла фойдаланмаган аёллар бола туғилганидан кейин шу отпусккадан тўла фойдаланиш-лари мумкин) дахлдоридир. Шу яқин орада ҳам таъмин-ланган оналардаги 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга нафақалар тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак. Эгизак туққан оналар ёки орадан бир ярим йилдан камроқ вақт ўтга-нидан кейин янги фарзанд кўрган оналар ҳар бир болага нафақа олиши тўғрисидаги ма-сала ҳам кўриб чиқилмоқда. Касабга союзулари ўн учинчи беш йилликда бола уч ёшга туғилгунча қисман ҳақ тўлана-диган отпускани қўзишни те-лаб қилмоқдалар. Ота-оналар-га болага қим қарашини ўла-ри ҳақ эттиш ҳуқуқини бериш ва шунга кўра, белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ме-салиси ҳам муҳокама қилин-моқда.

— Бола уч ёшга туғилгунча уни боққиш учун иш ҳақ тўла-масдан қўшимча отпускка бе-риш тадбири мамлакатимизда ҳамма ерда 1989 йилнинг 1 де-кабридан жорий этилади. Бу отпускка умумий ва узулсиз с-тажига, шунингдек иxtиос бўйича иш стажига қўйилади. Болаларни ҳозир бир ярим ёш-дан ошган, аммо уч ёшга ет-маган аёллар тўғрисида савол бермоқчи бўлганганимизни се-зиб турибман. Шу йилнинг 1 декабридан кейин бу аёллар қолган даврда болали боққиш учун отпусккага чиқишлари мумкин.

Бу масаланинг бошқа жиҳа-ти ҳам бор. Биз олаётган та-ҳарда аёллар, бир отпускка чо-



Ленин комсомолни номида-ги Марказий маданият ва истироҳат богида шабо ва якшанба кунлари XXXII Тошкент Дўстлик карнавали бўлиб ўтди. Бонинг ташкил топтирилган 50 йиллиги-га бағишланган ушбу аяжу-манда шаҳримиздаги энг яқин бадий ҳаваскорлик ва цирк коллективлари, таниқ-ли артистлар, етакчи диско-клублар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Карнавал

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР

УЗОҚНИ КЎРА БИЛИШ—

БУ «ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАРНИ
КЎНГИЛЛИ РАВИШДА СУҒУРТА ҚИЛИШ»
ШАРТНОМАСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА
ТУЗИШ ДЕМАКДИР.

Ушбу шартнома қондаларида қимматбаҳо ме-таллардан, қимматбаҳо, яримқимматбаҳо ва нодир тошлардан ясалган буюмларни, коллекцияларни, ноёб ва нодир буюмларни суғурта қилиш кўзда тутилган.

Суғурта тўлови умумий суғурта пулининг 1 фон-зини ташкил этади.

Қимматбаҳо металллардан ва барча турдаги тош-лардан ясалган буюмларнинг суғурта пули давлат нахларидан келиб чиқиб белгиланади, аммо 2.000 сўмдан ошмаслиги керак.

Нодир ва ноёб буюмлар коллекцияси учун су-ғурта пули фақат уларнинг тўла қиймати ҳажми-да белгиланади. Буюмларнинг нархи ваколатли ташкилот ҳужжати билан тақдирланган бўлиши ке-рак.

Давлат суғурта инспекциясида, сизнинг ташки-лотингизга, районингизга хизмат кўрсатувчи су-ғурта агенти ёрдамида «Қимматбаҳо буюмларни кўнгилли равишда суғурта қилиш» юзасидан шарт-нома тузишнинг ёки суғуртанинг ана шу кўрини-ши ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА БОШ-ҚАРАМСИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТАУНИТТИФОҚ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТ-
ОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХО-
НАСИ.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрилиги
ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1989-1990 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг ша-ҳарга яқин районларида яшовчи 10-синфин битирган ўқу-вчилар қабул қилинади.

Билим юрти аёллар, болалар ва эркакларнинг устки кийимларини тикувчи-мотористка, тикув машиналарига ремонт хизмати кўрсатиш бўйича механиклар, бичқи-лар тайёрлайди.

10-синфин тамомлаган ўқувчилар 8 ой таълим олади-лар, уларга ояига 70 сўм стипендия тўланади.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб тошган меҳнат ҳақининг 50 процентини олади-лар. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган битирувчи-ларнинг 10 процентига олий ўқув юртли ва техникум-ларга ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик тўғраги ва спорт секциялари мавжуд.


Ўқувчилар санаторий-профилакторий ва база корхона-нинг медицина хизматидан фойдаланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қи-лади: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ме-дицина справкиси, яшаш жойидан ва ота-онасининг ишхо-насидадан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.), характе-ристика, таржима ҳол.

Адрес: Тошкент шаҳри, 61-алоҳа бўлими, Чехов кў-часи, 5 «а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60 э, 71, 80э автобуслари-нинг «Қизил тонг» бирлашмаси» бекаси). Телефон — 33-19-24.

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎ-
ЧАСИ, 32.



Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; мада-ния — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-атаатпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; ёллонлар бўлими — 325727.

